
#Жараён: Зулфияхоним издошлари ўз иқтидорларини намоиш этдилар.

Мамлакатимизда 1999 йилда таъсис этилган "Зулфия" номидаги Давлат мукофоти баркамол, оқила хотин-қизларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугун Бағдод туманидаги 17-мактабда "Зулфия" номидаги давлат мукофоти танловининг туман босқичи ўтказилди.

Тадбирда "Зулфияхоним издошлари" мукофотига талабгор истеъдодли қизлар турли соҳалардаги ижодий намуналари билан иштирок этди.

Танлов низомига кўра жорий йилги жараёнларда ҳам 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган қизлар 7 та йўналиш бўйича ўз билим, истеъдод ва иқтидорларини намоиш этди.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан номзодларнинг ижодий ишлари орасидан юқори кўрсаткичларга эришган, эътирофли ютуқ ва марраларни қўлга киритган, тенгдошларига ўрнак бўлаётган, ноёб истеъдоди ва иқтидори билан ном қозонган ёшлар сараланди.

Энг муносиб номзодлар эса вилоят ҳайъатига тавсия этилди.

2024-11-01 20:25:42